

**ТУРЛИ САБАБЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА ТАРҚАЛИШИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚЛИКДА 21 ЙИЛЛИК
ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ**

Н. С. Мамасолиев,

И. Р. Асқаров,

Н. С. Хакимов,

О. Т. Умрзоқов

Андижон давлат тиббиёт интитути

Долзарблиги

Ҳозирги вақтда, жигар циррози мултидисциплинарли ёндашувни, яъни, бир вақтни ўзида турли иқтисосликдаги шифокорлар кучини бирлашишиниталаб этувчи сурункали касаллик сифатида қаралади. Шундай ёндашув билангина, касалликни олиб бориш тактикасини оптимиллаштириш мумкин бўлади. Акс ҳолда, тадқиқотчилар олган маълумотлар буни тасдиқ-лайдики, “стеатотоз-стеатогепатит-фиброз-цирроз-гепатоцел-люлар рак” йўли “занжирланиб” давом этади ва жигар континууми хавфи кескин ортади. Жигар циррозига мутахассисларнинг мултидисциплинар жамоасини жалб қилини-ши беморларга амалий тиббиётнинг биринчи бўғинида тиббий ёрдам кучини ва сифатини оширади, ёки айнан шундай мақсадни кўзда туттади.

Изланишнинг мақсади. Турли сабабли жигар циррозларининг шаклланиши ва тарқалишининг ёшга боғлиқликда 21 йиллик эпидемиологик тавсифини ўрганиш.

Изланиш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли, Анди-жон давлат тиббиёт интитути клиникаси бўлимларида сўровномали, биоким-ёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуллари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популяцияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

Изланиш натижалари. Эркакларнинг турли ёш диапазонларида, бундай ўзгаришлар тафовут билан қуйидагича тарқалиш частоталарида ифодаланди ва тасдиқланди: 18 ёшгача бўлганларда – 11,76 ва 0,00 фоиздан ($P < 0,001$), 18 – 29 ёшда – 21,32 ва 0,87 фоиздан камайиш билан ($P < 0,0001$); 30 – 44 да – 10,29 ва 41,74 фоиздан ($P < 0,001$); 45 – 59 да – 14,71 фоиз ва

23,48 фоиздан ортиш билан ($P < 0,05$); 60 – 74 да – 8,82 ва 12,17 фоиздан ўсиш билан ($P < 0,05$); 75 – 89 да – 0,74 ва 0,00 фоиздан камайиш билан ($P < 0,05$) тавсифланди. Аёлларда эса, <18 ёшгача аёллар популяциясида – 5,77 ва 0,00 фоизда ($P < 0,001$); 18 – 29 да 10,58 ва 2,75 фоиздан камайиш билан ($P < 0,001$); 30 – 44 да – 9,62 ва 24,77 фоиздан ($P < 0,01$); 45 – 59 да – 13,46 ва 20,18 фоиздан ($P < 0,05$); 60 – 74 ёшда 12,50 ва 21,10 фоиздан ($P < 0,05$); 75 – 89 да – 0,00 ва 1,83 фоиздан ($P < 0,5$) ўсиш билан тавсифланди. Умуман, ЖЦ ни аёллар популяциясида ёшга боғлиқ ҳолда тафовутланиб ва эволюцияланиб бориши статистик таҳлилда ўз тасдиғини топди.

Хулоса. Андижон аҳолиси популяцияси таҳлили бўйича, жигар циррозини 21 йиллик ўсиши ва ўзгаришлари кучли ифодаланган ёшлар гуруҳи бўлиб, 18 - 74 ва 75 - 89 ёшлар ҳисобланади ва бундан хулоса қилиш мумкин, жигар циррози эпидемиологияси, ёшга боғлиқ хос жиҳатларга эга.